Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 12 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (12.873)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш, ўз фуқаролари учун юксак даражадаги турмуш шароитларини яратиш ва уларнинг фаровонлигини ошириш йўлидаги қадамлари жаҳон миқёсида юқори баҳога сазовор бўлмоқда. Кўпгина халқаро институтлар ҳамда тадқиқот ташкилотларининг рейтинг маълумотлари ана шундан далолат беради. Улар эълон қилаётган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз борган сайин юқори ўринларга кўтарилмоқдаки, бу дилларимизда фахр ва даҳлдорлик туйғуларини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Бугун Ўзбекистон изчил тараққий топаётган давлат ва жаҳон ҳамжамиятининг халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутаётган тенг ҳуқуқли аъзосидир. Унинг кенг миқёсли демократик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги тажрибаси изчил ривожланишнинг муваффақиятли модели сифатида халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани ҳолда, кўплаб мамлакатларнинг экспертлари ва сиёсатчилари томонидан атрофлича тадқиқ қилинмоқда.

Бунга, кўп жиҳатдан, Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги фаол ҳамкорлиги кўмаклашаяпти. Улар мамлакатимизга халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларнинг ҳал этилишидаги муҳим ҳамда вақт синовидан ўтган шерик сифатида қарашмоқда.

Шу билан бирга, нуфузли халқаро тузилмалар республикамизда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга, давлат ҳамда жамият ҳаётидаги изчил ислоҳотлар натижасида қўлга киритилаётган муваффақиятларга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ҳамда уларнинг фаровонлиги юксалишига катта қизиқиш билдиришаётир.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва эришган муваффақиятлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги сингари кўп томонлама институтлар ҳамда бошқа ташкилотлар доирасида алоҳида қизиқиш билан кўриб чиқилаётгани ҳам тез-тез кузатилаётир.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижалари ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда Бош Ассамблея йиғилишларининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинмоқда. Мазкур ҳужжатларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари, таълим ва соғлиқни сақлаш, экология, ёшлар сиёсати, озиқ-овқат хавфсизлиги, фуқаролик жамияти ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши сингари соҳаларда эришилаётган натижаларнинг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат ва жамиятни модернизациялаш бўйича эътиборга молик тажрибаси БМТ тизимига кирадиган халқаро институтларда ҳам алоҳида қизиқиш уйғотаяпти. Улар орасида Женевадаги БМТ бўлими, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ), БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси (ЮНКТАД), Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС), Халқаро Меҳнат ташкилоти (МОТ), Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (ВТО), БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП), ОИТС билан курашиш бўйича БМТ дастури, Парламентлараро иттифоқ ҳамда бошқа ташкилотлар мавжуд.

2015 йил бошидан буён Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз тажрибаси, 2014 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари ҳақидаги ахборот материаллари БМТ Бош Ассамблеяси 69-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида тарқатилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўлкамизда Наврўз нафаси





ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

14-15 март — умумхалқ хайрия ҳашари

Юртимизга сепини ёйиб, баҳор кириб келди. Табиат уйғонди. Ҳаммаёқда яшиллик барқ урмоқда. Дарахтлар гуллай бошлади. Наврўзи олам яқинлашмоқда.







Халқимизда: *«Йилнинг баракаси – баҳорига боғлиқ»*, – деган ажойиб нақл бор. Кўкламнинг ўз таровати, ўз юмушлари бор, албатта.

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос ва мос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, пойтахтнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир.

Шаҳар ҳокимлиги қарори билан жорий йилнинг март – апрель ойларида Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ҳамда 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказиш белгиланди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш доирасида маҳаллалар, аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли бинолар ва уйлар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқ, кўча, йўл, йўлак ҳамда болалар майдончалари тартибга келтирилади.

Шунингдек, барча турар жой мавзелари, маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, бўш ҳудудларда боғлар барпо этиш, дарахтларни оқлаш, уларни бутаб, чиройли шакл бериш юмушлари ҳам бажарилади. Ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялашга ҳамда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш алоҳида ўрин тутади. Дарҳақиқат, шаҳримиздаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг барчаси «Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат» лойиҳасига муносиб улуш қўшиш мақсадида кўкаламзорлаштириш мавсумида ҳудудларга кўплаб мевали, манзарали дарахт, гул кўчатлари экишни режалаштирган.

Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида қиш бўйи тўпланиб қолган чиқиндиларнинг алоҳида белгиланган жойларга ташкилий равишда олиб чиқилишини таъминлаш;

Умумхалқ хайрия ҳашари ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тадбирларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот, таълим муассасалари шунингдек, шаҳримиздаги аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар фаол иштирок этишига ишончимиз – комил.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Кўклам – она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ғанимат билайлик. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик!

Ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этайлик! Шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик! Наврўзи оламни муносиб кутиб олайлик.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Урганчда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда мавзуга оид маърузалар тингланди, ҳужжатли фильм намойиш этилди.

● Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида янги барпо этилган маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Қарийб 596 миллион сўм маблағ эвазига қад кўтарган маданият маскани биносидан 350 ўринли тадбирлар зали, машғулот ва тўгараклар хоналари ўрин олган.

● Термизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида Қумқўрғон туманида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг самаралари атрофлича таҳлил қилинди.

● Самарқандда «BankExpo – 2015» банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма якунида бир неча йўналишлар бўйича фаол деб эътироф этилган банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус дипломлари топширилди.

● Самарқандда Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOIKA) билан ҳамкорликда ташкил этилаётган касб-ҳунарга ўқитиш маркази қурилиши бошланди.

ЖАҲОНДА

● 21 март куни Италияда Дарахт куни нишонланади. Бу дўстлик қадим ўтмишга бориб тақалади. Антик даврларда кўчат ўтқазишни байрам сифатида нишонлаш одатлари бўлган. Бу эса бизнинг Наврўзимизга ўхшаб кетади.

● 2009 йилда Англиянинг Ёрк шаҳри ҳудудидан милоддан аввалги VI асрда яшаган одам қолдиқлари топилган эди. Бироқ кейинроқ археолог Рейчелл Кюбитт топилма бош суяги ичидаги янги тўқималарни аниқлади.

● Кембриж университети ходимлари юздаги ажинлар пайдо бўлишининг олдини оладиган шоколад ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ёшартирувчи шоколаднинг таркиби 70 фоиз какао ҳамда тери қаришининг олдини олувчи икки хил кучли антиоксидантдан иборат. Битта плитка шоколаднинг оғирлиги 7,5 грамм.

29 март — сайлов куни

Кеча Учтепа ва Мирзо Улуғбек туманларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига оид ҳудудий семинар-тренинг ўтказилди.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Маълумки, сайловга тайёргарлик кўриш, уни демократик мезонлар асосида ўтказиш участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклайди. Жумладан, участка сайлов комиссияларининг фаолияти давомида сайлов қонунчилигида белгиланган тартибда мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик каби тамойилларнинг устуворлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Учтепа ва Мирзо Улуғбек туманларида бўлиб ўтган семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш, участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, халқаро кузатувчиларнинг ваколатлари, оммавий ахборот воситаларининг сайловни ёритишдаги ўрни ҳамда бевосита сайлов жараёнига оид бошқа масалалар бўйича атрофлича тушунча берилди.

Семинар давомида участка сайлов комиссияларининг вазифалари, муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш тартиби, сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг роли сингари мавзуларда маърузалар тингланди. Сўзга чиққан экспертлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг аҳамияти, миллий сайлов қонунчилиги, сайловни юксак даражада ташкил қилиш, жойларда сайловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳақида мулоҳаза юритдилар. Участка сайлов комиссияларининг сайлов кампаниясида муҳим бўғин ҳисобланишини назарда тутган ҳолда, овоз беришни қонун талаблари асосида ўтказиш, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш ҳамда участка сайлов комиссияси фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди.

— Сайлов участкамиз қонун талаблари асосида зарур жиҳозлар, алоқа ва техник воситалар, қонун тўпламлари, ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди, — дейди Учтепа туманидаги 30-участка сайлов комиссияси раиси Ҳасан Йўлдошев. — Туманимизда бўлиб ўтган семинар-тренинг орқали сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини янада такомиллаштириш, уни демократик тамойиллар асосида адолатли ўтказиш, бу муҳим жараёнда участка сайлов комиссияларининг асосий ваколатлари ҳамда кенг фаолиятининг алоҳида ўрни борасида ўз билим ва малакаларимизни янада оширишга муваффақ бўлдик.

Тадбир якунига кўра, сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Семинар-тренинг иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

11 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ҳисоб палатасининг 2014 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Қ.Акмалов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан парламентга берилган ваколатлари доирасида Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятининг ҳисоботи ҳар йили кўриб чиқилади. Аввал хабар қилинганидек, Ҳисоб палатасининг 2014 йилги ҳисоботи масъул қўмита, парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларида ҳар томонлама кўриб чиқилди. Муҳокамалар чоғида депутатлар парламент назоратини кучайтириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, назорат тадбирларига мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини жалб этиш соҳасида парламент ва Ҳисоб палатаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқдилар.

Ҳисоботни эшитиш давомида таъкидландики, Ҳисоб палатаси фаолияти ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда)

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ – МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Олмазор туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази, Сергели туманидаги Тошкент-молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, Учтепа туманидаги Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ишончли вакили Зайниддин Низомходжаевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, тадбиркорлар, туманлар фаоллари, талабалар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ОАВ вакиллари ва бошқалар иштирок этишди.

Йиғилишларда Зайниддин Низомходжаев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан иштирокчиларни таништириб ўтди.

Жумладан, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг «ўзбек модели» деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.

Шу билан бирга, биз бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа — бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.

Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш — айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат таъминотини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – энг устувор вазифадир.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард долларидан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Аввалambор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва мухандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айниқса аҳамиятлидир.

Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Қайд этиб ўтилганидек, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришга ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати, фидойилик билан хизмат қилиш – барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Учрашувларда O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Д.Бобожонова, тадбиркор Р.Равшанбеков, «Қори ёғди» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча йўналишларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида, эл-юртимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, мамлакатимизнинг дадил қадамлар билан олдинга интилаётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфа касб этиб, тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани, диёримизнинг эртанги кунига, ўз келажагига ишонган жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлод вояга етаётгани, давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор, мустақиллик туфайли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилган узоқни кўзланган ва оқилона сиёсат, мамлакатда тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг қарор топганлиги тўғрисидаги фикрларни билдириб ўтдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ – БАРЧА СОҲАЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ



Миробод туманидаги «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилактурийси, Шайхонтоҳур туманидаги меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи ва Мирзо Улуғбек туманидаги транспорт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ишончли вакили Парида Парманованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, туманлар фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Учрашувларда П.Парманова Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида фаол иштирок этаётганлигини, аҳолининг кенг қатламлари орасида обрў-эътиборга ҳамда мамлакат сиёсий майдонида ўзининг қиёфасига эга бўлиш борасидаги ҳаракатлари ҳақида ҳамда Н.Умаровнинг номзоди кўрсатилган партиянинг VII Қурултойи ҳақида маълумот бериб ўтди. Шу билан бирга номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан йиғилганларни таништирди.

«Чақар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайёра Муҳаммедова, 254-умумтаълим мактаби директори Бахтинисо Пўлатова, 6-стоматология поликлиникасининг бош шифокори Лола Хонходжаева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури бўйича сўзга чиқдилар.

Шундан сўнг номзоднинг сайловолди дастури юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Гулноза Эргашева, 45-умумтаълим мактаби директори:

— Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича қандай режаларни амалга оширмоқчисизлар?

— Бизнинг бош вазифамиз мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимда мутахассислар тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш, давлат ва хусусий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини ривожлантириш, ўқув синфларида ва гуруҳларда таълим олаётган ўқувчилар сонини оптималлаштиришдан иборатдир.

Лола Баҳромова, Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмасининг бош мутахассиси:

— Дастурда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион технологиялар масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрдим. Айниқса, муқобил энергия манбаларини оммалаштириш таклиф этилган. Бизга маълумки, қайта тикланувчи энергия қурилмалари бугунги кунда анча қиммат туради. Ҳамманинг ҳам бундай энергия турини ўрнатишга имконияти етмаслиги мумкин. Бу масаланинг ечими бўйича қандай таклифлар киритмоқчисизлар?

— Аслида социал-демократия мафкураси учун иқтисодий соҳа эмас, балки ижтимоий соҳа анъанавий равишда устувор йўналиш бўлиб келган. Биз эса ана шу анъанавий ёндашувдан бир оз чекиниб, иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришни ёки бошқача айтганда, иқтисодиётда инновацион технологияларни қўллаб-қувватлашни биринчи ўринга қўймоқдамиз. Зеро, мамлакатимиз келажаги – инновацион иқтисодиётда. Янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади. Ишлаб чиқаришда энергия сарфини тежайдиган замонавий технологияларнинг кенг миқёсда жорий этилиши натижасида эса маҳсулот таннархи ошиб кетишининг олди олинади. Иқтисодиётда, умуман хўжалик ҳаётимизда қайта тикланувчи, яъни муқобил энергия манбаларини кенг жорий қилиш ҳақида гапирадиган бўлсак, нефть, газ, сув каби табиий ресурсларимизнинг ҳам чек-чегараси бор, албатта. Биз буларнинг барчасини келгуси авлодларимизга ҳам қолдиришимиз зарур. Бундан ташқари, бизнинг диёримиз серқуёш ўлкалардан биридир. Шундай экан, табиатимиз ато этиб турган бу неъматдан оқилона фойдаланишимиз керак-ку! Бу билан биз, мамлакатимизда юзага келиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг ҳам олдини олган бўламиз. Тўғри, қайта тикланувчи энергия қурилмаларини ўрнатиш бир оз қимматга тушиши мумкин. Аммо, маълум вақт ўтгач улар, албатта, ўзининг иқтисодий самарасини беради. Биз бу каби технологияларни жамиятимиз ҳаётига оммавий равишда киритишни илгари сураётганимиз йўқ. Бу каби масалаларни тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширишни режалаштирганмиз.

Халил Мамудов, «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси ходими:

— Ўзбекистон «Адолат» СДПдан номзоднинг сайловолди дастурида қонун устуворлигини таъминлаш, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда адвокатура институти ролини ошириш ва шу каби масалалар юзасидан қандай таклифлар бор?

— Биз «кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар» деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз. Бу мақсад йўлида судларнинг демократлаштирилиши, холислиги, барча фуқароларга баробарлиги, фаолияти очиқлиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги, адвокатура институти ҳуқуқ ва ваколатларининг янада кенгайтирилиши, суд жараёнида холис тортишув ва адолатлиликнинг рағбатлантирилиши, шунингдек суд ҳимояси соҳасини кенгайтириш устувор вазифамиз бўлиб қолаверади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, ички ишлар, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш бу йўналишдаги фаолиятимизнинг мантиқий давоми бўлиши зарур.

Наргиза Гамидова, «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилактурийси ходими:

— Мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболини қайси соҳаларнинг ривожлантирилишида кўраяпсизлар?

— Ер юзидаги барча ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти тарихига назар соладиган бўлсак, уларнинг барчасида иқтисодиётни ривожлантириш орқали жаҳонда ўз нуфузига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Саволингизга қайтадиган бўлсак, доно халқимизда: «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган, ажойиб бир нақл бор. Биз ҳам мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболини, албатта, иқтисодий соҳани ривожлантиришда кўрамиз. Бу борада биз иқтисодиётда инновацион технологияларни жорий қилиш орқали мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада оширишни ниятидамиз. Иқтисодиётнинг янада ривожланиши эса жамият ҳаётидаги барча соҳаларни ҳам ривожлантиришга асос бўлади. Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Биз учун бизнес – жамият учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга жорий қилишнинг энг муҳим шаклидир. Шу сабабли биз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш бўйича таклифлар билан чиқамиз.

Тадбирлар сайловчиларнинг фаоллиги ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, мазкур ахборот материаллари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 57 иштирокчи мамлакати, ушбу ташкилотнинг 11 ҳамкор давлати, ЕХҲТ институтлари ҳамда дала миссиялари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси ҳамда МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳам тарқатилди.

Юқоридагилардан ташқари, БМТнинг Нью-Йорк ва Женева шаҳарларидаги, ЕХҲТнинг Венадаги, МДҲнинг Минскдаги қароргоҳларида ўтказилаётган турли тадбирлар — брифинг, тақдимот маросимлари ва учрашувлар чоғида ҳам юртимизда кечаётган ўзгаришларга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг эътибори ва қизиқиши тобора ўсиб бораётгани намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда либераллаштириш жараёнлари хусусидаги ўзгаришлар юзасидан нуфузли давлатлараро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари томонидан билдирилган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Жумладан, **БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК) ижрочи котибининг ўринбосари Андрей Васильев** маълум қилганидек, БМТ Европа иқтисодий комиссияси Ўзбекистон билан ҳамкорлик масаласига катта эътибор билан қарайди. «Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг изчил ривожланиб бораётган ва диверсификациялашган иқтисодиётга эга бўлган ўта муҳим мамлакатидир, — дейди у. — Мен ўн йилдан зиёд давр мобайнида республикага мунтазам бориб тураман ва ҳар сафар унинг шитоб билан ривожланаётганига гувоҳ бўламан. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашга, нафақат республика пойтахтида, балки унинг узоқ ҳудудларида ҳам инфратузилмани равнақ топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон экологияси, уй-жой хўжалигини ривожлантириш, инновация асосидаги тараққиёт, тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг муҳим шериги ҳисобланади. Биз уй-жой хўжалиги ва ердан фойдаланиш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси биз учун жуда қизиқарли ва кераклидир. Умид қиламизки, мазкур йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигимиз муваффақиятли давом этади».

ЕХҲТ Бош котиби Ламберто Занньернинг маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотнинг муҳим аъзоси ҳисобланади. Унинг эътирофича, тинчлик, хавфсизлик ва дўстлик ғоялари умумжаҳон миқёсида илгари сурилишида мамлакатимиз муҳим ўринга эга бўлиши баробарида, ЕХҲТ фаолиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Ўз навбатида, **Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб** фикр билдирганидек, глобал ва минтақавий инқирозлар шароитида узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш борасида Ўзбекистон сезиларли тараққиётга эришди.

У баркамол авлод тарбияси ҳақида тўхталар экан, юртимизда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини такомиллаштириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди. Жумладан, Ж. Якабнинг фикрича, Ўзбекистон оналар ва болалар ўлимини камайтириш, гендер тенглигини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш борасида ижобий натижаларни қўлга киритди. Шу билан республика Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

БМТ Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) Европа минтақавий идораси директорининг ўринбосари Сильви Мотар экология соҳасида, «яшил иқтисодиёт», атроф-муҳит ҳимояси ҳамда биохилмахиллик сингари масалаларни илгари суришда мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликнинг юқори даражада эканлигини қайд этди. Шу ўринда С. Мотар таъкидлаганидек, ўз ташкилоти нафақат икки томонлама муносабатларни, балки Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (МФСА), Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия (МКУР) сингари минтақавий тузилмалар фаолиятига Ўзбекистон қўшаётган салмоқли ҳиссани ҳам муносиб баҳолайди.

«Ўзбекистонда жорий йил 29 март куни Президент сайлови бўлиб ўтишидан хабардорман, — дейди у. — Сайлов давлат ҳаётидаги жуда муҳим палла бўлади. Юксак лавозимга даъвогар сифатида тўрт нафар номзоднинг қўйилгани мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг амалий натижасидан далолатдир. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг бир бўлаги сифатида бизни жуда қувонтиради. Тақдим этилган ушбу имкониятдан фойдаланиб, олдинда турган сайловлар муваффақиятли ўтишига тилакдош эканлигимни айтишни истар эдим».

Парламентлараро иттифоқнинг Халқаро алоқалар бўйича департаменти раҳбари Анда Филип ўзбек аёлларининг давлат ҳаётида, жумладан, парламент фаолиятида фаол иштирок этаётганини ижобий баҳолади. Шу боис у республикада парламентаризм институтини такомиллаштириш, қонунчилик органи ваколатларини кенгайтириш ҳамда кучайтириш ва давлат органлари фаолияти устидан парламент назоратининг таъминланиши бўйича амалга оширилган ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, А. Филип мамлакатимизда Ватан фаровонлиги йўлида елкама-елка меҳнат қилаётган турли миллат ҳамда элат вакиллари ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити ҳукм сураётганини Ўзбекистон эришган муваффақиятлар ҳамда изчил тараққиётнинг муҳим омили сифатида қайд этди.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан қаратилаётган бундай катта эътибор ва берилаётган ижобий баҳолар Ўзбекистон раҳбарияти танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигини, чуқур ўйланганини ва самарадорлигини яна бир бор тасдиқлаши баробарида, мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар дунёда кенг эътироф этилаётганидан ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини ёрқин ифода этади.

«Жаҳон» АА.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

Ўлкамизда кўклам шукуҳи кезмоқда. Табиат жонланиб, дов-дарахтлар уйғонмоқда, яшил майсалар ял-ял товланиб, оламга хушбўй ифор таратаётир. Наврўзи олам кириб келмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар, қишлоқ ва овулларида Наврўз байрамини миллий урф-одатларимизга мос тарзда кутиб олишга тараддуд кўрилмоқда. Ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлар, боғ-роғлар, далаларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.





Президентимизнинг «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартда қабул қилинган фармойиши бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, эзгу ишларни уюшқоқлик билан ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлаётир. Март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Унинг доирасида 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш режалаштирилган.

Бундан мақсад Наврўз умумхалқ байрамига муносиб тараддуд кўриш, халқимиз орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишдир.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари бу йўналишда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яшнобод туман бўлинмаси раиси Илҳом Эшмуродовнинг айтишича, тумандаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг барчаси мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган «Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат» лойиҳасига муносиб улуш қўшишга интилмоқда. Жорий йилги кўкаламзорлаштириш мавсумида ҳудудларга ўттиз минг тупдан кўпроқ мевали, манзарали дарахт, гул кўчатлари экиш режалаштирилган. Маҳалла ҳудудида фойдаланилмай бўш турган майдонларда янги боғлар барпо этишга киришилди. Бинокор, Гўзал, Олмос маҳаллаларида аниқланган ана шундай майдонлар чиқиндилардан тозаланиб, кўчат экишга тайёрланмоқда.

Пойтахтимизда «Намунавий маҳалла» лойиҳаси асосида бунёдкорлик ишлари янада кенг тус олаётир. Яшнобод туманидаги ўндан зиёд маҳаллада шундай лойиҳалар амалга оширилди. Маҳаллалар, кўп қаватли уйлар атрофида жойлашган ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, уларнинг ўрнига автомашиналар қўйиладиган майдончалар, спорт мажмуалари, болалар ўйин майдончалари барпо этилди. Тумандаги бир юз қирқдан зиёд замонавий ўйин қурилмалари билан жиҳозланган ана шундай болалар майдончалари хизматидан аҳоли мамнун.

– Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида маҳалламиз аҳли фаол иштирок этмоқда, – дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Турдибоева. – Бугунги кунгача икки юз тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди. «Намунавий маҳалла» лойиҳаси асосида ноқонуний қурилмалардан бўшаган майдонларга замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилмоқда. Бундай яратувчилик ишлари маҳалламизга файз бағишлаб, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилаётир.

Бу йилги Наврўз байрами тараддуди мамлакатимиздаги яна бир муҳим сиёсий жараён – Президент сайловига тайёргарлик тадбирлари билан уйғун кечмоқда. Шу боис оммавий ҳашарлар жараёнида маҳаллалар ҳудудида ташкил этилган сайлов участкалари атрофини ободонлаштириш, халқимизнинг ушбу сиёсий тадбирда фаол иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Наврўз маҳалласида ташкил этилган 345- ва 346-сайлов участкаларида ҳам бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Сайлов участкаларига борадиган йўлларга махсус кўрсаткичлар ўрнатилган. Теварак-атрофдаги дарахтларга шакл берилиб оқланган. Йўллар, ариқ ва лотоклар тозаланиб, чиқиндилар белгиланган жойга ташиб кетилган.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасидаги тадбирларни ташкил этишга ёшлар ташкилотлари ҳам муносиб улуш қўшаётир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан «Ўтганлар руҳини шод этайлик» лойиҳаси доирасида қабристонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тумандаги олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчиларининг аксарияти ҳар куни дарсдан кейин ушбу хайрли ишда қатнашаётир. Нуронийларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш, халқимизнинг меҳр-оқибат, ўзгалар кўмагига муҳтожларни қўллаб-қувватлаш каби туйғуларини ёшлар онгига чуқур сингдириш мақсадида якка-ёлғиз қарияларга уй ишларида кўмаклашиш, ҳовли-жойларни тартибга келтириш, янги кўчатлар ўтқазиш ишлари олиб борилаётир.

«Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивалини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказишга қизғин тараддуд кўрилмоқда. Ушбу фестиваль доирасида халқ ўйинлари, миллий ва замонавий либослар кўргазмаси, варраклар сайли каби маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Бундай яратувчилик, бунёдкорлик ишлари, байрам тадориги юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида уюшқоқлик билан ташкил этилаётир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ЮРТ ОБОД – КЎНГИЛ ОБОД

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда қайд этиб ўтилганидек, унинг ишида Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ Давлат бюджети самарали бажарилишига, молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилишига, иқтисодиёт барча соҳаларининг тобора ривожланишини таъминлаш учун мўлжалланган давлат дастурлари ва минтақавий ривожланиш дастурларининг ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда мамлакатимиз Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси ўтказилди. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар даромадларини шакллантиришнинг тўлиқлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши текширилди.

Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар мисолида республика ва маҳаллий даражаларда Давлат бюджети ижроси, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши текширилди. Давлат бюджети даромад қисмининг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича шаклланиши тўғрилиги, бюджетнинг моддама-модда ва тўла-тўкис ижро этилиши таҳлил қилинди, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичлари ҳақиқатга тўғри эканлиги баҳоланди.

Ҳисоб палатаси, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тўлиқ шаклланиши, улардан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилиши устидан доимий назоратни амалга оширди, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш ва дотация даражасини пасайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижаларини ҳудудларга чиқиб ўрганди.

Парламент қуйи палатаси ялпи мажлисида Ҳисоб палатасининг ўтган йилга доир ҳисоботи эшитилганидан кейин унинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидлаб ўтдиларки, Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот даврида 149 та ташкилотда 33 та йўналиш бўйича назорат-тафтиш ишлари амалга оширилди. Ушбу иш жараёнида Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, давлат дастурлари, инвестиция дастурлари рўёбга чиқарилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашнинг амалга оширилиши батафсил ўрганилди.

Молиявий қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари парламентнинг назорат қилишга оид ваколатларини кучайтириш, ушбу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш масалаларида парламент ва Ҳисоб палатаси ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар таъкидладиларки, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва хомашё салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда минтақалар иқтисодиётини мустаҳкамлаш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш зарур. Депутатлар қайд этиб ўтганларидек, йўл қўйилган камчиликларни, бюджет интизоми бузилишлари ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиш муҳимдир. Шу муносабат билан тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боришни йўлга қўйиш орқали парламент назоратини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари Ҳисоб палатаси ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатлари таъминланганлиги, ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлари бўйича харажатларни қоплаш асослилигининг таҳлилини ўтказганига эътибор қаратдилар. Ҳисоб палатаси томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги, шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий нафақалар тўлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ижросидаги камчиликлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинлашда нохолис ёндашув билан боғлиқ муаммолар аниқланди.

Шу муносабат билан фракция вакиллари Ҳисоб палатасига назорат тадбирларини амалга оширишда молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этилмасидан олдин уларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг фикрича, Ҳисоб палатаси агросаноат комплекси хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ҳолати устидан назоратни кучайтириши ва унинг натижалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши зарур. Таъкидландики, кўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали аҳолининг харид қилиш қобилиятини янада ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, Давлат бюджетини ижро этиш соҳасидаги қоидабузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўриш лозим.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари Ҳисоб палатасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги молиявий ҳуқуқбузарликлар ҳолларини, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш бўйича фаолиятини таҳлил қилдилар. Ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлаш, назорат тадбирларини кучайтириш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокамада билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати

Шаҳримиздаги Алоқа музейида халқимизнинг севимли шоираси Зулфияхоним таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекистон — Германия» дўстлик жамияти ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида адабий кеча ташкил этилди.

Тадбирлар

ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК КУЙЧИСИ

Ушбу тадбирда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари шоиранинг издошлари, яқинлари, шогирд ва мухлислари, дўстлик жамиятлари аъзолари, «Зулфия» мукофоти совриндорлари ва олий ўқув юртларининг ўқитувчи, талабалари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Кечада Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари томонидан шоиранинг шеърлари ўзбек, рус, инглиз ва корейс тилларида ўқиб эшиттирилди. Тадбир давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, шоиралардан Муҳтарама Улуғова, Зулфия Мўминова Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб ўтдилар. Дарҳақиқат, Зулфия тўғрисида сўз борар экан, унинг нафақат Вера Инбер, Эди Огницвет, Марварид Дилбозий, Сильва Капутикян, Марямхон Абулқосимова, Озод Аминзода, Фазу Алиёва, балки Елена Багряна, Амрита Пртиам сингари турли мамлакатлар адиблари билан ижодий алоқада бўлганлиги, ушбу маданий алоқалар туфайли унинг шеърлари жаҳоннинг 30 га яқин тилларига таржима этилганини таъкидлаб ўтмасдан илож йўқ. Зулфия халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини тиклашда катта хизмат қилди.

Тадбир давомида иштирокчилар Зулфияни фақат баҳор куйчиси, дўстлик ва садоқатни мадҳ этувчи шоира сифатидагина билмай, унинг халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни, тинчликни тарғиб этувчи етук жамоат арбоби, халқ дипломатияси ривожига ҳисса қўшган шахс сифатида ҳам яқиндан танидилар.

Даврон НУРМАТОВ

ЛАТВИЯ САНЪАТИ КУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида пойтахтимизда Латвия санъати кунларини ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Бахтиёр Ёқубов, Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишларида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Санъат – дунё халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги ғоят муҳим восита. Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар маданият ва санъат йўналишларида ҳам изчил тараққий этаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакатнинг фольклор жамоалари, фото ва тасвирий санъат усталари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Латвия санъаткорлари Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган Маданий ҳамкорлик дастури мазкур соҳадаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Тошкентда ўтадиган Латвия санъати кунлари дастури қатор маданий тадбирларни ўз ичига олган. Хусусан, санъат кунлари доирасида «Латвия овозлари» вокал гуруҳи, латвиялик машҳур созандалар ва «Xlem Trio» жаз мусиқа гуруҳи иштирокида концерт дастурлари, санъат кўргазмалари ўтказиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАР

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида «Ёш қутқарувчи» кўнгиллилар клублари фаолиятини самарали ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ходимлари иштирок этди.

Семинарда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари подполковник Ҳусан Бобонов, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аваз Мамажанов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ворисхон Акайдинов, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳусан Насруллаев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали масъул ходимаси Маҳбуба Қурбонова ва бошқаларнинг мавзу юзасидан таклифлар ва фикр-мулоҳазаларга бой маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида кун тартибида белгиланган масалалар кўриб чиқилди. Энг муҳими «Ёш қутқарувчи кўнгиллилар клублари фаолиятини ташкил этиш» бўйича жойларда масъулиятимизни ҳис этган ҳолда тўлиқ ва самарали бажарилишини таъминлашга келишиб олинди.

Азамат СУЮНОВ

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Аҳмад Дониш ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишмасидаги кўприк қачон бунёд этилган?

Тадбирлар

КЕКСАЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган «Аёллар маслаҳат маркази»да хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга кўмаклашилади, уларга амалий ёрдам кўрсатилади, зарур тавсиялар берилади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур туман бўлинмаси қошидаги «Аёллар маслаҳат маркази» томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Аёл – миллат фахри» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбирга фахрий ва нуроний онахонлар, фаол хотин-қизлар таклиф этилди.

— Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий-ҳуқуқий билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур туман бўлинмаси қошидаги «Аёллар маслаҳат маркази» раҳбари Дилбархон Аҳмедова. — Уй бекаларининг ҳаёт тарзи, турмуш шароитлари, дунёқараши ва атрофдаги кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамият тараққиётига дахлдорлик туйғуси билан яшаш ҳиссини шакллантириш тадбирнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Кексалари ва аёллари улуғланган юртда камол топган ёш авлоднинг келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Тадбирда таниқли шоиралар, санъаткор аёлларнинг чиқишлари иштирокчилар кайфиятини кўтарди.

Зиёда РАСУЛОВА

КОМПЬЮТЕР ВА САЛОМАТЛИК

Сизни шу мавзу қизиқтирадими? Компьютер олдида кўп вақт ўтказаётган бўлсангиз, албатта компьютернинг соғлиққа таъсирини билиб қўйсангиз фойдадан холи эмас.

Демак ушбу мавзуга қўл урар эканмиз, сизга компьютердан узоқ муддат фойдаланган инсонга унинг таъсири, ундаги зарарнинг камайтириш йўллари, компьютер билан мулоқотдаги талаблар ҳамда саломатликни сақлаш учун нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги тўғрисида маълумот бермоқчимиз. Компьютердан фойдаланувчи инсонлар саломатлигига таъсир этувчи зарарли омиллар:

- узоқ муддат ўтириб ишлаш жараёнлари;
- мониторидаги электромагнит нурланишлар таъсири;
- кўрув органларига тушадиган юкламалар, яъни кўзнинг толиқиши;
- қўл – кафт бўғимларига тушадиган юклама;
- ахборотларнинг йўқолиб қолиш пайтидаги стресс ҳолатлар — юқоридаги зарарли омиллар тўғрисида бирма-бир тўхталиб ўтмоқчимиз.

Эътибор берсангиз, компьютер олдида ўтирган инсонда бўйни, бош, қўл ва елка мушаклари таранг ҳолда бўлиш оқибатида умуртқа поғонасига ҳам ортиқча юклама тушади. Баъзида умуртқа поғонасининг чарчаши туфайли болалар столга ётган ҳолда ундан фойдаланадилар. Шунинг оқибатида катталарда остеохондроз, болаларда эса сколиоз касаллиги пайдо бўлади.

Бундан ташқари кўп ўтириш давомида стул билан тана ўртасида ўзига хос «иссиқ компресс» ҳаёти юзага келиб, у ўз навбатида простата безларининг яллиғланиши простатит, геморрой касалликларини юзага келтиради. Камҳаракатлик ўз навбатида моддалар алмашинувининг бузилиши ҳамда семириш касаллигига ҳам замин яратади.

Компьютер ва бошқа электр асбоблари ўзидан электромагнит турларини тарқатувчи манба ҳисобланади. Улардан чиқаётган электростатик нурлар ҳамда майда чанг зарралари теринининг очиқ жойларига тушиши оқибатида турли хилдаги теринининг аллергик касалликларини чақиради. Сочларнинг тўкилиши, теринининг қуриши ҳам кузатилиши мумкин.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга аҳамият беринг. Компьютер бор хоналарда вентеляция тизими яхши йўлга қўйилса мақсадга мувофиқдир. Хонани тез-тез шамоллатиб туринг. Битта монитор учун майдон сатҳи 9 - 10 м² бўлиши лозим, хонанинг намлик ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус ҳавони намловчи мосламалардан фойдаланилади. Канизаторлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хонани тез-тез намли латта билан тозалаб туринг.

Компьютер билан ишлаш давомида кўзимиз доимий равишда экранда бўлади. Монитор ёруғлик манбаи бўлибгина қолмай, балки мунтазам равишдаги жимирлаш ҳолатлари кўзни таъсирлантиради.

Кўздаги қаттиқ оғриқлар, кўзнинг ёшланиши, кўз қорачиқлари ва кўз олмаларининг, қовоқларининг қизариши, пешона соҳасидаги оғриқлар, тез чарчаш ҳолатлари «дисплей» касаллиги деб номланиб, бунга сабаб экрандан доимий равишда фойдаланиш оқибатидир. Кўзнинг чарчаб қолмаслиги учун қуйидаги оддий талабларга риоя қилинг:

- монитор билан кўз оралиғидаги масофа 45 смдан кам бўлмаслиги керак;
- ёруғлик монитор экранига тушиб, ярқираб кўришга халақит бермаслиги керак;
- экран сатҳини тез-тез артиб туриш керак;
- тез-тез кўзга дам бериш учун 10-15 дақиқалик танаффуслар қилиб туринг;
- кўз машқлари жуда муҳим:
  - 10 сония кўзларингизни юмиб туринг;
  - 5. 10 сония кўзни очиб-ёпиш машқлари;
  - кўзнинг соққаларни айлантириш машқлари сизнинг кўзингизнинг дам олиши имкониятини яратади.
- Турли таъсирлардан сақлаш учун чой пакетчаларини (хона ҳарорати) кўзга қўйиб 10 дақиқа ётинг.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши юртимизда нуроний отахон-онахонларга ҳурмат-эътиборда бўлиш ҳар бир фарзанднинг бурчи эканлигидан далолат беради.

Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиника шифокорлари ҳам Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан хайрли ишга қўл уришди.

Туманда яшовчи нуроний отахонлару онахонлар 2-оилавий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Эътиборлиси шундаки, тиббий кўрик давомида хасталиги аниқланган беморларга зарур тиббий хизмат кўрсатилади.

(Ўз мухбиримиз)

Онкологик касалликларнинг олдини олиш, диагностика ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоларидан биридир. Мутахассислар таъкидлашича, чекиш, ичиш каби салбий омиллар, ўз вақтида тиббий-профилактика кўригидан ўтмаслик бундай касалликларга сабаб бўлаётир.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида замонавий тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш, тиббиётнинг барча йўналишлари, жумладан, онкология соҳасида кўрсатилаётган хизматни такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Давлат бюджети маблағлари ва инвестиция дастурлари доирасида юртимиздаги онкологик ёрдам кўрсатишга ихтисослашган тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, янги, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар онкология диспансери ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ўсма касалликларининг олдини олиш, профилактика ишларини такомиллаштириш мақсадида тиббий кўрик ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўсма касалликларининг олдини олишда ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 27-оилавий поликлиникада ташкил этилган ана шундай тадбирда туман марказий поликлиникаси ва оилавий поликлиника тор мутахассислари билан бир қаторда Тошкент шаҳар онкология диспансерининг малакали онколог, маммолог ва жарроҳлари иштирок этди. Улар иштирокида олтмиш нафарга яқин аҳоли, диспансер назоратидагилар чуқур тиббий текширувдан ўтказилди.

– Оилавий поликлиникамиз йигирма тўққиз мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, – дейди 27-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Диёра Нортоева. – Турли касалликларнинг олдини олиш ва оилаларда тиббий маданиятни ошириш фаолиятимизнинг устувор йўналишини ташкил этади. Бу вазифаларни бажаришда анъанавий тарзда ташкил этилаётган тиббий-профилактика кўриклари ва скрининг текширувларининг аҳамияти катта. Бундай тадбирлар касалликларни барвақт аниқлаш ва вақтида даволаш, аҳолининг ўз саломатлиги учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 596 295 456,60 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 6 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 3 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй.

Тел/факс: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Олмазор туманидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича 2015 йилнинг 14 мартида қабул ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлиғининг биринчи ўринбосари 2015 йил 14 март куни соат 10.00 дан 12.00 га қадар;

Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи 2015 йил 14 март куни соат 10.00 дан 12.00 га қадар қабул ўтказади.

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2015 йил 13 март соат 16.00 га қадар Олмазор туманидаги 212-61-87 телефони орқали боғланишлари мумкин.

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси

«Биринчи автокорхона» АЖ, «2-автобус саройи» АЖ, «7-автокорхона» АЖ, «8-сонли автосарой» АЖ, «18-автобус саройи» АЖ ларда ишлаш учун

БОШ БУХГАЛТЕРЛАРНИ

доимий ишга таклиф этади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

1. *Иқтисодий йўналишда олий маълумот.*
2. *Мутахассислиги бўйича энг камида 5 йиллик иш стажи.*
3. *1-с «Бухгалтерия» дастурида компьютерда ишлаш кўникмаси.*
4. *Ўзбек ва рус тилларини билиш.*
5. *Тошкентда доимий яшаш рўйхатининг (прописка) мавжудлиги.*

Мурожаатларингизни қуйидаги манзилларга юборишингиз мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур 1- торкўчаси, 6-уй.

Мўлжал: Бош почтамт, тел. 233-03-33, 233-04-08.
«Биринчи автокорхона» АЖ, тел. 280-30-21, 280-30-14.
«2-автобус саройи» АЖ, тел. 296-77-53, 265-98-40.
«7-автокорхона» АЖ, тел. 279-95-22, 279-95-34.
«8-сонли автосарой» АЖ, тел. 224-04-02, 224-05-10.
«18-автобус саройи» АЖ, тел. 247-03-36.

Ойлик маош штат жадвалига асосан белгиланади. Маълумотномангизни info@tshtx.uz электрон почтасига юборишингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **13 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол есади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 март** куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1228

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ